

100-боб. Қули билан бирга таом ейишни ёқтирмаслик



17:05 / 07.11.2020 1887

Ибн Зубайр Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилади:

«Бир киши Жобир ибн Абдуллоҳдан:

«Бир одамнинг ходими уни (таом пиширишнинг) машаққатидан, иссиғидан халос қилса, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уни (ходимини ўша таомга) чақириб буюрганмилар?» деб сўради.

«Ҳа! «Агар бирга егиси келмаса, чақириб, ўз қўли билан бир ошам едириб қўйсин», деганлар», деди».

Шарҳ: Демак, ходимни ҳатто рамзий маънода ҳам ўзидан паст кўриш мумкин эмас экан. Аслида ўзи ходими билан бирга ўтириб, таом ейиши

керак. Бирор сабаб билан ёлғиз ўтириб таом емоқчи бўлса, ҳеч бўлмаганда уни чақириб, бир тишлам бўлса ҳам таклиф қилиши керак экан.

Бу ҳақда жуда кўп воқеалар ривоят қилинган.

«Ҳадис ва ҳаёт» силсиласида ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг халифалик пайтларида Маккаи Мукаррамага ҳажга борганлари ҳикоя қилинган.

Макканинг аъёнларидан бири ҳазрати Умарнинг шарафларига зиёфат берган. Кўпчилик келиб ўтиргач, овқат пишган. У пайтлардаги арабларнинг одатича, қўйни бутунлигича пишириб, каттакон мис идишларнинг тўрт четидан тўрт ходим кўтариб кириб, дастурхонга қўйиб, ўзлари четга бориб ўтиришган.

Шунда ҳазрати Умар таомни емай, жимгина уларга қараб қолганлар. Сўнг:

«Бу қандай одат? Нима учун ходимлар дастурхонга ўтиришмади?» деб сўраганлар.

Зиёфатнинг эгаси:

«Бизнинг одатимиз шундай, ўзимиз алоҳида ўтираемиз», деб жавоб берган.

Шунда ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу ғазаб билан ўринларидан туриб:

«Бу қанақаси? Бундай одатни қаердан ўргандинглар?» деб ходимларни дастурхон ёнига чақирганлар, уларни ўтирғизиб, еб бўлмагунларича ўзлари емай, дастурхон атрофида айланиб юрганлар.

Ислом ходимларга нисбатан ана шундай муносабатни жорий қилган. Ўз ходими, қули ва умуман, қўл остидагилар билан бирга ўтирмайдиган, бирга таом емайдиганлар мутакаббир, беодоб одамлар ҳисобланади. Бу уларнинг Исломдан йироқлигидан далолат беради.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Билмаган нарсасини биладиган кишидан сўраб олиш кераклиги.
2. Ишчисига иссиқ-совуқ пайтларда ва қийин ишларда ёрдам бериш лозимлиги.
3. Хўжайин ўзи тановул қилаётган таомга ходимини ҳам чақирishi одобдан экани.

4. Хўжайин таомга чақирганда ишчи бош тортса, унга бир тишлам бўлса ҳам едириб қўйиш кераклиги.

«Одоблар хазинаси» китобидан